
“СОҒЛОМ ҲАЁТ САРИ БЕШ МИНГ ҚАДАМ!”

Аҳолининг бўш вақтини мазмунли этиш ва саломатлигини мустаҳкамлашда спорт машғулоти, хусусан ҳаракатли машқларнинг ўрни беқиёс. Шу сабабли карантин талаблари юмшатилиши билан аҳоли ўртасида касалликка қарши иммун тизимини шакллантириш мақсадида жисмоний тарбия ва спортни кенг тарғиб этишга қаратилган тадбирларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугун Марғилон шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан “Соғлом ҳаёт сари 5 минг қадам” шиори остида ташкил этилган оммавий юриш марафони ҳам шулар жумласидандир.

Марафонда беш мингдан зиёд кўнгилли иштирокчилар карантин қоидаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда “Ижодкорлар боғи” майдонидан “Атласчи” ўйингоҳигача бўлган масофани пиёд босиб ўтишди. Шундан сўнг ўйингоҳда эрталабки бадантарбия машғулотларини бажардилар.

Шунингдек, тадбир давомида кўнгилли нуруний отахонлар иштирокида шахмат ва шашка мусобоқалари ҳам ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, жисмоний ва маънавий соғломликнинг асоси бўлган бу каби тадбирлар аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Марғилон шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-10-05 18:23:01